

2022 й. " 17 " ноябр « ROMITAN DOM STROY » МСНД ва Ромитан туман ХТБ билан 146 500 000 умумий  
 суммасидаги  
 56696-сон шартномага  
 ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ

Боб 075  
 Шахсий ғазна ҳисобварақ 100022860062427092100075051

(сўмда)

2022 й. ойлар номи	Харажатлар тури			Жами
	7092 100 075 (42 32 200)	...(*)	...(*)	
Январ				
Феврал				
Март				
Апрел				
Май				
Июн				
Июл				
Август				
Сентябр				
Октябр				
Ноябр	146 500 000			146 500 000
Декабр				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>146 500 000</b>			<b>146 500 000</b>

Жами 146 500 000 (Бир юз кирк олти миллион беш юз минг сўм ) сум

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 43 950 000 сум ёки шартнома умумий суммасининг 30 % 2022 йил ноябр ойнинг 30-санасигача олдиндан тўланиши лозим.



Рахбар

М.Ў.  
 Бош ҳисобчи

Ғазначилик бўлинмаси  
 ходими қабул қилди  
 2022 й. « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

(имзо)

*Х.Зикриллов*  
 (имзо)  
*Х.Неков*  
 (имзо)

Х.Зикриллов

Х.Неков

Бюджетдан маблағ олувчи  
 ходими қабул қилди  
 2022 й. « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

(имзо)



## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 56696

(Лот № 22110012177682 )

« 17 » 11. 2022 й.

Ромитан шаҳри.

« ROMITAN DOM STROY » МСНЖ кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилувчи ўзининг низоми устави, асосида иш юритувчи раҳбари И.Атамуродов тимсолида бир томондан ва Ромитан туман ХТБ кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритувчи, ўзининг низоми устави асосида иш юритувчи раҳбари Х.Зикриллоев тимсолида иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1. Ушбу шартнома буйича "Пудратчи" «Буюртмачи»нинг буюртмасига ва тузилган лойиҳа смета ҳужжатларига асосан Ромитан тумани ХТБга қарашли 36-мактаб биносини жорий таъмирлаш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» "Пудратчи" томонидан лойиҳа смета буйича бажарган ишларни далолатнома асосида қабул қилиб олишни ҳамда тўловни ўз вақтида амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **146 500 000** (Бир юз кирк олти миллион беш юз минг сўм) сўмни ташкил этади.

### 2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР.

2.1. «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати **146 500 000** (Бир юз кирк олти миллион беш юз минг сўм) сўмни ташкил қилади.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши «17» 11.2022 йил.

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «30» 11.2022 йил.

### 3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. Шартномадаги 4.1 бандида курсатилган авансни «Пудратчи» олгандан сўнг таъмирлаш ишларини бошлайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ (аванс) тўлаш назарда тутилган

3.3. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган қурилиш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.4. Таъмирлашни тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.5. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

### 4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Ушбу шартноманинг умумий нархи **146 500 000** (Бир юз кирк олти миллион беш юз минг сўм) сўмни ташкил этади. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома нархининг 30 % ёки 43 950 000 сўм миқдорда олдиндан тўлов (аванс)ни тўлайди ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг ноябр ойида амалга оширилади. «Буюртмачи» томонидан якуний 70 % ёки 102 550 000 сўм тўлов «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилгандан сўнг 60 кун ичида амалга оширилади.

4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошикча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

### 5. ПУДРАТЧИНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Шартнома баҳоси **146 500 000** сўм бўлган таъмирлаш ишларини шартноманинг 2.3 бандида кўрсатилган муддатда бажариш ва ўз вақтида сифатли килиб топшириш.

5.2. Пудратчи махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

5.3. Ҳар ойнинг 25 санасида ўтган ойда бажарилган қурилиш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тўғрисида далолатномани тузади.

5.5. Ойида бир марта ҳар ойнинг 5-кунидан кечиктирмай «Буюртмачи»га ўтган ойда қилинган ишлар учун тўлов счёти (ҳисоб фактура)ни тақдим қилади шунингдек ҳисоб фактура "Буюртмачи" томонидан тасдиқлаб берилгандан сўнг 5 (беш) иш куни муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сонли қарорига мувофиқ электрон кўринишда ЭХФ операторлари орқали жўнатади;

5.6. Пудратчи Буюртмачидан бажарилган хизмат учун ҳақни шартноманинг 4.1 бандига асосан келишилган вақтда



ва микдорда тўланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## **6. БУЮРТМАЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1 “Буюртмачи” “Пудратчи” дан таъмирлаш ишларини ўз вақтида ҳамда белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан топширишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6.2 “Буюртмачи” тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади.

6.3 «Пудратчи» томонидан шартноманинг 5.5-бандида назарда тутилган муддатларда тақдим қилинган тўлов счёти (хисоб-фактура)ни қабул қилиб олади ва 60 кун ичида қилинган ишлар учун тўловни амалга оширади.

6.4. Сифатсиз хизмат курсатилганда “Буюртмачи” хизматни қабул қилиб олишдан воз кечиши ва камчиликларни бартараф қилиш тўғрисида 3 кун ичида пудратчини ёзма равишта хабардор қилади.

## **7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

7.1. «Пудратчи» «Буюртмачи» томонидан тақдим қилинган лойиха смета ҳужжатларига асосан қурилишни ўз вақтида лозим даражада бажармаганда ёки сифатсиз қилинганлиги учун ҳар бир кечиктирилган кун учун ушбу ишлар бажарилмаган қисмининг суммасидан 0,4% микдорида, бироқ бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % идан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тулайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

7.2. Агар бажарилган ишлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар учун жарима пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

7.3. «Буюртмачи» «пудратчи» томонидан бажарилган ишлар учун тўлов счёти (хисоб фактура) тақдим қилингандан сўнг молиялаштириш шартномада белгиланган вақтда амалга оширилмаса кечиктирилган кун учун тўлов счёти (хисоб фактура) суммасининг 0,4 % микдорида, бироқ тўлов счёти (хисоб фактура) суммасининг 50% идан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди, бунда Буюртмачига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно.

## **8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ.**

8.1 Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни тарафлардан бири ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

8.2 Агар шартнома бўйича бир тараф бошқа тарафнинг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келадиган ҳатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиш керак: “1008” ишонч телефони, телеграм-канални “@anticorbot” орқали, ёки ҳудудий прокуратура органларига билдириш лозим.

## **9. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ.**

9.1 Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

9.2 Ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас куч мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

9.3 Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришига таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 15 кун давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

## **10. КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

10.1 Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ, томонлар ўртасида келиб чиқадиган, шунингдек, етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг ўзаро келишуви ёхуд қонун



хужжатларида белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.

## 11. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ.

11.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси ҳамда ЎзР Молия Вазирлигининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи билан тасдиқланган "Бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси Қоидалари" (Адлия вазирлигида 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатдан ўтказилди)га асосан шартнома тегишли тартибда газначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ҳамда 31.12.2022 йилгача амалда бўлади.

11.2. Шартнома икки нусхада тузилган булиб ҳар бири бир хил кучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан сакланади.

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Пудратчи»

« ROMITAN DOM STROY » МСНҲ

(ижрочининг номи)

Манзил: Ромитан туман

тел\факс +99893 470 05 65

х/р. 20208000005413835001

Банк номи: МИКРОКРЕДИТБАНК

МФО 00110 ИНН 308659430

ОКЭД

Раҳбар: И.Атамуродов

(Ф.И.Ш.)

ИМЗО



«Бююртмачи»

Ромитан туман ХТБ

(бюджет маблағларини олувчи номи)

Манзили: Ромитан тумани Бухоро кўчаси 4-уй

Тел./факс: 55-2-18-04

ш/хв: 100022860062427092100075051

ОКОНХ: 92310 ИНН: 200 978 272

Газначилик бўлинмаси номи: Ромитан туман

Газначилик булинмаси

ЯГХ: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХҚКМ)


МФО 00014

Газначилик булинмаси СТИРи 201122919

Раҳбар: Х.Зикриллоев

(Ф.И.Ш.)

ИМЗО



Шартнома амалдаги қонунчилик асосида туғри тузилган

**ХУҚУҚШУНОС:**

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг  
хуқуқшуноси)

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

**BB3440046330**

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: «ROMITAN DOM STROY» MCHJ hamda Romitan tuman XTB o‘rtasida tuzilgan loyiha smeta hujjatlariga asosan Romitan tumani XTBga qarashli 36-maktab binosini joriy ta‘mirlash ishlarini bajarish to‘g‘risida 146 500 000 so‘m (Bir yuz qirq olti million besh yuz ming) so‘mlik pudrat shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot: Romitan tumani xalq ta'limi tomonidan 17.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Romitan tumani  
yuridik markazi  
markaz rahbari:**



**F.Q.KENJAYEV**

22.11.2022

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 177682 на приобретение Ромитан тумани ХТБга карашли 36-мактаб биносини жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 14.11.2022

Время рассмотрения 14.11.2022 16:19

Закупочная комиссия Ромитан тумани Халк таълими булими марказлашган бухгалтерия, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ZIKIRILLOYEV XAYRULLO SADULLOYEVICH	Директор	1
<b>Секретарь комиссии</b>	QALANDAROV AZIZBEK ULUG'BEK O'G'LI	Котиб	Курилиш
<b>Член комиссии</b>	QODIROV MUXSIN QOBIL O'G'LI	ЭХБ бошлиги	Курилиш
<b>Член комиссии</b>	KAROMOV AMRILLO RAJABOVICH	ЭХБ Экспирти	Курилиш
<b>Член комиссии</b>	AXMEDOV AZIZ AVAZOVICH	ЭХБ инспектори	Курилиш
<b>Член комиссии</b>	BO'RONOV ERGASH NURMURODOVICH	Бош иктисодчи	Курилиш

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.11.2022 года № лота 177682.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>
Подробное описание	Ромитан туман ХТБ га карашли 36-мактаб биносини жорий таъмирлаш учун(Хужжатлар тасдиқланган булиши керак ва сохта ёки қалбаки хужжатлар аниқланса иштирокчи танловдан четлаштирилади)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	146 998 948.00
Стартовая сумма	146 998 948.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқ қарзининг йўқлиги тўғрисидаги маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқ қарзининг йўқлиги тўғрисидаги маълумот (элон тугашидан 3 иш кунидан олдин булиши мумкин булмаган Маълумотнома ва солиштира далолатнома)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ROMITAN DOM STROY</b>	10	Корханамизнинг солик ва мажбурий туловлардан қарздорлиги мавжуд эмас.Маълумотнома илова қилинди	5	Экспертная		
<b>ROMITAN ONA ZAMIN SAXOVATI MCHJ</b>	10	Солик маълумотномаси илова қилинди	5	Экспертная		

Критерий №2 Танловга катнашиш буйича ариза

Тип: Бинарное значение

Описание: 1-шаклдан фойдаланган холда

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ROMITAN DOM STROY</b>	10	1	10	Экспертная		
<b>ROMITAN ONA ZAMIN SAXOVATI MCHJ</b>	10	1	10	Экспертная		

Критерий №3 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишни бажариш мухлатига буйича кафолат хати

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ROMITAN DOM STROY</b>	10	Сизга шуни ёзиб малум қиламизки Ромитан туман ХТБ га қарашли 36-мактаб биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариш истагимизни билдирамиз ва Иш ва хизматлари қорхонамиз томонидан 10 (ун ) иш қунида бажариб беришимизни маълум қиламиз. Киска муддатларда бажарилган таъмирлаш ва қурилиш ишлари, бажарилган ишнинг сифатига ақс таъсир қилмайди. Ножуя таъсирлар қамчиликлар аниқланган тақдирда Қорхонамиз томонидан берилган кафолат хатига асосан	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		бажарилган таъмирлаш ва курилиш ишлари корхонамиз маблаглари хисобидан бажариб берилишини кафолатлаймиз.				
<b>ROMITAN ONA ZAMIN SAXOVATI MCHJ</b>	10	Ишларни 15 иш кунида бажаришни билдирамиз	10	Экспертная		

Критерий №4 Виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида иштирокчининг мавжудлиги ва Иш турлари ва ҳажмининг иштирокчи корхона томонидан тақдим етилган таклифга мувофиқлиги

Тип: Бинарное значение

Описание: Виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида иштирокчининг мавжудлиги ва корхонининг молиявий карзи йуклиги тугрисида ваколатли органларнинг маълумотномаси

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ROMITAN DOM STROY</b>	10	1	10	Экспертная		
<b>ROMITAN ONA ZAMIN SAXOVATI MCHJ</b>	10	1	10	Экспертная		

Критерий №5 Иштирокчи корхона тасис хужжатлари

Тип: Бинарное значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг давлат руйхатидан даврдан бошлаб унинг иш тажрибаси (гувоҳнома, Низоми (устав) ва раҳбарининг паспорти

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ROMITAN DOM STROY</b>	10	1	10	Экспертная		
<b>ROMITAN ONA ZAMIN SAXOVATI MCHJ</b>	10	1	10	Экспертная		

Критерий №6 Иштирокчи корхона хақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг ва раҳбарининг молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганлиги тугрисида талабгорнинг тузилган шартномалар буйича лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги тугрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдиқланган маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ROMITAN DOM STROY</b>	10	Маълумотлар илова килинди	10	Экспертная		



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ROMITAN ONA ZAMIN SAXOVATI MCHJ</b>	10	Талаб этилган маълумотлар илова килинди	10	Экспертная		

Критерий №7 Коррупция кўринишларга йўл қўймаслик бўйича ариза

Тип: Текстовое значение

Описание: 6-шаклдан дойдаланган холда

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ROMITAN DOM STROY</b>	10	Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон 13-14-моддаларига риоя этилишини билдирамиз.	10	Экспертная		
<b>ROMITAN ONA ZAMIN SAXOVATI MCHJ</b>	10	Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон ли қарори билан танишилди	10	Экспертная		

Критерий №8 Корхонанинг молиявий иштирок холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганлиги тугрисида талабгорнинг тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги тугрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдиқланган маълумотнома

Тип: Бинарное значение

Описание: Корхонанинг молиявий иштирок холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганлиги тугрисида талабгорнинг тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилмаганлиги тугрисида ваколатли ташкилот ва органлар томонидан тасдиқланган маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>OOO ROMITAN DOM STROY</b>	10	1	10	Экспертная		
<b>ROMITAN ONA ZAMIN SAXOVATI MCHJ</b>	10	1	10	Экспертная		

Критерий №9 Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг ҳаёти сугурталанганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Сугурта полиси

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ROMITAN DOM STROY</b>	10	Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганлигини билдирамиз . Сугурта полиси илова қилинди.	10	Экспертная		
<b>ROMITAN ONA ZAMIN SAXOVATI MCHJ</b>	10	Ишчи ходимларимиз сугурталанган	5	Экспертная		

Критерий №10 Корхона хақидаги майлумот(асосли хужжатлар асосида)

Тип: Бинарное значение

Описание: 2-шаклдан фойдаланган холда

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ROMITAN DOM STROY</b>	10	1	10	Экспертная		
<b>ROMITAN ONA ZAMIN SAXOVATI MCHJ</b>	10	1	10	Экспертная		

Критерий №11 Протокол осмотра строительной площадки (Участником при участии ответственных представителей Заказчика должен быть осуществлён выезд на место строительства Смарт офиса, о чём должен быть составлен протокол осмотра строительной площадки, подписанный обеими сторонами, а также/се осуществлена фотосъёмка места строительства. Данные документы должны быть предоставлены при участии в электронном отборе в формате PDF

Тип: Бинарное значение

Описание: Иш турлари ва ҳажмининг иштирокчи корхона томонидан тақдим этилган тақлифга мувофиқлиги

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО ROMITAN DOM STROY</b>	10	1	10	Экспертная		
<b>ROMITAN ONA ZAMIN SAXOVATI MCHJ</b>	10	1	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>ООО ROMITAN DOM STROY</b>	146 998 948.00	146 500 000.00 UZS	146 500 000.00	00.00	146 500 000.00	12.11.2022 22:10:36	10
<b>ROMITAN ONA ZAMIN</b>	146 998 948.00	146 900 000.00 UZS	146 900 000.00	00.00	146 900 000.00	13.11.2022 11:53:22	9.97277



SAXOVATI MCHJ							
------------------	--	--	--	--	--	--	--

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ООО ROMITAN DOM STROY</b>	85.9095	10	95.9095
<b>ROMITAN ONA ZAMIN SAXOVATI MCHJ</b>	77.7276	9.97277	87.70037

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 177682 от 14.11.2022 года на приобретение Ромитан тумани ХТБга карашли 36-мактаб биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

ООО ROMITAN DOM STROY  
308659430

и резервный исполнитель: ROMITAN ONA ZAMIN SAXOVATI MCHJ (307171621)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	ZIKIRILLOYEV XAYRULLO SADULLOYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	KAROMOV AMRILLO RAJABOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	AXMEDOV AZIZ AVAZOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	BO'RONOV ERGASH NURMURODOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП